



Абу ал-Муъийн ан-Насафий номи билан машхур бўлган алломанинг тўлик номи Маймун ибн Мухаммад Муътаמיד ибн Макхул бўлиб, 1027 йилда Насаф (Карши)да таваллуд топган. Узок йиллар Бухоро ва Самаркандда яшаб ижод этган олим хакидаги айрим маълумотларни насафлик бошка бир олим — Умар ибн Мухаммад ан-Насафнинг «Ал-канд фи зикри уламои Самарканд» («Самарканд олимлари зикрида кандцек (ширин) китоб») номли асарида учратиш мумкин. Асарда келтирилишича: «Шарку гарбнинг олиму уламолари Абу ал-Муъийн ан-Насафий илмининг денгизидин бахра топиб, ул таратгон зиё нурларини кўзларига тўтиё килиб суртгонлар». Аллома 1114 йили — 87 ёшида Самаркандда вафот этган.

IX—X асрларда ислом кенг таркалган Якин ва Ўрта Шарк, Марказий Осиё ўлкаларида ислом илоҳиёти, фалсафаси, калом илми ривож топди. Бу соҳаларга бағишланган катор асарлар ва калом ма-саласи билан шугулланувчи йирик мутакалимлар вужудга келди. Калом илмининг бир канча йўналишлари бўлиб, улардан ал-ашъариййа ва ал-мотуридиййа йўналишлари гоятда кенг таркалган. Ал-ашъариййа мактабининг асосчиси бағдодлик олим Абдул Хасан ал-Ашъарий (873—935), ал-мотуридиййа мактабининг асосчиси самаркандлик таникли олим Абу Мансур ал-Мотуридий (870—944) таълимотидан сабоқ олган ан-Насафий асосан ал-мотуридиййа мактабига мансуб Газзолийнинг маслагига амал килган олимлардан хисобланган. Ўз навбатида ал-Ийжий (1355- йилда вафот этган), Саъдуддин ат-Тафтазоний (вафоти 1390 йил) ва бошка кўплаб таникли олимлар ан-Насафий таълимотига таянган холда фаолият кўрсатиб, калом илмида баракали ижод этиб, етук олимлар даражасига кўтарилганлар. Манбаларда келтирилишича, ан-Насафий ўн бешга якин асар яратган бўлиб, уларнинг аксарияти калом илмининг турли масалаларига бағишланган. Улар қуйидагилардир: «Ал-Уъмда фи усул ал-фикх», «Бахр ал-калом фи иълм ал-калом», «Табсират ал-адиллити фи иълм ал-калом», «Ат-Тамхийд ли-кавоиъд ат-тавхийд фи иълм ал-калом», «Ал-Оълим вал-мутаъллим», «Ийзохал-маҳажатий ли-ковн ал-акл хуж-жатан», «Шарх ал-Жомиъ ал-Кабир лиш-Шайбоний фи фуруъ», «Манохиж ал-аиммати фил фуруъ», «Муътакидот» (Тошкентдаги Абу Рай-хон Беруний номли Шаркшунослик институтида Абу ал-Муъийн ан-Насафийнинг бу асаридан бир кўлёзма сакланади (инв. № 40008/2) Араб тилида ёзилган ушбу асар 52 варақдан иборат). Алломанинг «Бахр ал-калом» асари алоҳида аҳамиятга эгадир. Асарнинг олтинчи

бобидаги фасл (бўлим) тўрт банддан иборат бўлиб, улардан биринчиси «ал-Имомат» (Имомликка оид) деб аталган ва шу бандда келтирилган Пайгамбар алайхиссаломнинг икки хадиси катта илмий аҳамиятга эга. Биринчиси, «Иктаду биллазийна мин баъдий Абу Бакр ва Умар» (бу хадисларни Имом ат-Термизий, Имом ибн Можа, Ахмад ибн Ханбал ва бошқа бир канча мухаддислар ўз асарларида ривоят қилганлар.) — «Мендан кейин Абу Бакр ва Умарга иктидо қилинган», деган бўлишига карамай халифалик устида икки кун бахс бўлган.

Иккинчи хадисдаги «Мендан кейин халифалик ўттиз йил, ундан кейин амирлик, подшоҳлик ва хоказолар бўлади», деган фикрлари нақадар тўғрилигини алоҳида қайд қилиш зарур. Чиндан ҳам бу муддат (яъни ўттиз йил) чорёрлар пайтида тугаган. Бу китоб калом илми бўйича ал-мотуридийя мактабининг асосийларидан бири ҳисобланади. Чунончи бу асар аш-шайх Абу Мансур ал-Мотуридий асос солган исломий ақиданинг энг бош манбаларидан саналади. Айниқса, ислом динида турли-туман оқимлар ва таълимотлар яратилаётган ҳозирги пайтда бу асарнинг илмий-амалий аҳамияти бекиёс даражада каттадир.

Абу ал-Муъийн ан-Насафий ўз китобини яратишда асосий манба сифатида Имом Абу Мансур ал-Мотуридийнинг «Ат-Тавҳид», Имом Абул Хасан ал-Ашъарийнинг «Ал-Ламъа», «Мақолот ал-Исломиийн», Имом ал-Харамайн, Имом Абу ал-Маълий Абдулмалий ал-Жувайнийнинг «ал-Иршод» асарларидан фойдаланган.

«Бахр ул-калом» асари аллома ижодининг гултожи ҳисобланиб, ислом дини фалсафасини ташкил қилган калом илми бўйича энг қимматли манбалардандир. Бу китобнинг бир канча кўлёзма ва китобий нашрларининг мавжудлиги ҳам унинг муҳим манбалардан эканлигидан далолат беради ва унинг қимматли кўлёзма нусхалари Дубайдаги Жумъа ал-Можид номи маданият ва мерос марказида, (1167 хижрий йилда кўчирилган), Дамашқдаги аз-Зохирия кутубхонасининг кўлёзмалар бўлимида, Бағдоддаги «Мактабат ал-Авкоф»да, кохирадаги машхур «Дор ул-кутуб»нинг кўлёзмалар бўлимида сақланади. Ушбу кўлёманинг 950 хижрий йилда оддий хат билан кўчирилган нусхаси Искандария (Миср)нинг «Мактабат ал-баладийя» номи кутубхонасида ҳам бор. Асар муҳим манба сифатида икки марта нашр ҳам этилган. Жумладан, 1886 йили Бағдодда, 1908 йили Кохирада чоп этилган. Лекин ушбу нашрлар тадқиқотсиз амалга оширилган бўлиб, факат асар матнидан иборат.

«Бахр ул-калом»га айрим шарҳлар ҳам битилган. Жумладан, Олим Бадруддин Хасан Ибн Абу Бакр Ахмад ал-Макдиси (1415 йили вафот этган) асарга бағишлаган шарҳини «гоят ал-маром фи шарҳи «Бахр ул-калом» деб атаган. Бу шарҳнинг бир кўлёзма нусхаси кохирадаги «Дор ул-кутуб»да, бошқаси Мисрдаги «ал-Мактабат ал-Хадйя-вайя»да сақланади. Таникли араб олими Хожи Халифа ҳам ўзининг машхур «Кашф уз-зунун» асарида «Бахр ул-калом»га ёзилган факат шу шарҳ ҳақида зикр қилган, ҳолос. Сирасини айтганда, Буюк ватандошимиз Абу ал-Муъийн ан-Насафий ҳаёти ва илмий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш маданиятимиз тарихини ёритишда катта аҳамиятга эгадир.